

Eqra Tech компанияси “Қуръон Муаллими” дастурини тақдим этди



19:09 / 03.07.2021 5260

LLC Eqra Tech компанияси Иордания пойтахти Амман шаҳрида жойлашган бўлиб, Яқин Шарқ минтақасида IT саноати бўйича етакчи интегратор компания ҳисобланади.

Ушбу компанияси 2011 йилда ташкил топган бўлишига қарамай, қисқа муддат ичида хусусий ва давлат секторларида энг яхши IT дастурларни ишлаб чиқди. Бу каби амалга оширилган ишларга мисол қилиб порталлар, электрон ҳукумат, электрон тўловлар, соғлиқни сақлаш, хавфсиз ҳужжатлар, йўл ҳаракати хавфсизлиги секторларида амалга оширилган кўпгина лойиҳаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Компания ҳозирги кунда Microsoft, Nuance, Oracle, Sun, Cisco, IBM, HP, Toshiba ва NEC каби дунёнинг йирик компаниялари билан ҳам динамик ҳамкорлик ўрнатган.

Шу жумладан, таълим соҳасида ҳам бир қатор ишларни амалга оширган. Бунга LLC Eqra Tech компанияси томонидан ишлаб чиқилган “Қуръон Муаллими” дастурини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ушбу янги дастур араб тили нутқини таниб олиш технологиясидан фойдаланган ҳолда Қуръони Каримни эшитиш, талаффуз қилиш ва тақлид қилиш орқали ўрганиш имконини беради. Нутқни таниб олиш технологияси янги инновацион технология бўлиб, ушбу дастур-робот мустақил ўрганувчилар учун Қуръони Каримни эшитиш ва ўқиш орқали ўрганиш имконини беради.

Дастур қуйидаги асосий функцияларни ўз ичига олади:

Мусҳаф функцияси. Фойдаланувчига Қуръондан ўқиш имконини беради.

Тиловат функцияси. Фойдаланувчи Қуръоннинг хоҳлаган ерини белгилаб тиловат қилса, дастур буни текшириб, хатоларни белгилаб беради.

Тинглаб қайтариш функцияси. Бу функция орқали фойдаланувчига ўзининг сеvimли қорисини тинглаш ва унинг орқасидан тақлид қилиб такрорлаш имконини беради. Дастур эса буни текшириб, хатоларни белгилаб беради.

Ёдлаш функцияси. Фойдаланувчига Қуръонни ёдлаш ва ёдлаган оятларни такрорлаш имконини беради.

Бундан ташқари дастурда Қуръонда такрорланган сўзларни қидириб статистика услубида топиш, қибла ва намоз вақтларини кўрсатиш каби қўшимча функциялар ҳам мавжуд.

Дастур функцияларидан фойдаланганда қуйидаги машҳур қориларнинг тиловатларини эшитиб, ўрганиш мумкин:

- Али ал-Ҳузайфий
- Иброҳим ал-Азҳар
- Муҳаммад Айюб
- Абдуллоҳ Басфар

- Имад Ҳафиз
- Холид ал-Муҳанна
- Абдулбосит Абдуссомад
- Маҳмуд Халил ал-Ҳусорий
- Муҳаммад Сиддиқ ал-Миншавий
- Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид

Ушбу дастур ҳозирда дунёнинг 52 тилида бутун дунёдаги Қуръони Каримни мустақил ўрганмоқчи бўлганларга хизмат қилиб келмоқда. Дастур жумладан ўзбек тилида ҳам ишлайди. Аллоҳ Таолодан шу каби фойдали дастурларнинг сонини кўпайтиришини ва барокатли қилишини сўраб қоламиз.

Қуйида дастурни андроид ва iOS қурилмалари учун юклаб олиш учун веб ҳаволалар келтирилган.

Андроид қурилмалари учун:

<https://play.google.com/store/apps/details?id=hajigift.fatiha>

iOS қурилмалари учун:

<https://itunes.apple.com/us/app/%D8%A7%D9%84%D9%85%D8%B9%D9%84%D9%85/id>